

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28.12.2017.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ШАРИПОВ САНЖАР САЛОМОВИЧ

**ЛОР-КАСАЛЛИКЛАРИ БЎЛГАН БЕМОРЛАРДА РОНХОПАТИЯНИ
ТАШХИСЛАШ ВА КОМПЛЕКС ДАВОЛАШНИНГ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

14.00.04 – Оториноларингология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2.PhD/Tib620 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат стоматология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси (www.tsdi.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziyo.net.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Хасанов Улғубек Саидакромович, тиббиёт фанлари доктори
Расмий оппонентлар:	Мухаммадиева Гульмира Амантаевна, тиббиёт фанлари доктори, профессор Карабаев Хуррам Эсанкулович, тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Мармара университети «Оториноларингология, бош ва бўйин жарроҳлиги» (Туркия, Истанбул)

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат стоматология институти ҳузуридаги DSc.28.12.2017.Tib.59.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100016, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Махтумкули кўчаси, 103-уй. Тел./Факс: +99871-230-20-73; e-mail: info@tsdi.uz).

Докторлик диссертацияси билан Тошкент давлат стоматология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100016, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Махтумкули кўчаси, 103-уй. Тел./Факс: +99871-230-20-73.

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «__» _____ даги № __ рақамли реестр баённомаси)

Ж.А.Ризаев

Фан доктори илмий даражасини берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Л.Э.Хасанова

Фан доктори илмий даражасини берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

А.А.Абдукаюмов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг (ЖССТ) маълумотига кўра, дунё аҳолисининг 30% да хуррак отиш (ронхопатия) кузатилади, 25–30% одамларда эса хуррак отиш обструктив уйку апноэси синдромининг (ОУАС) белгисидир. «ОУАС касаллигига чалинганларнинг 95% ҳорғинликни бошдан кечирганлиги сабабли, хуррак отиш объектив аломатлар эканлиги ва ҳорғинликдан азият чекаётган инсонлар касалликни ривожланиш хавфи юқори бўлган гуруҳ деб ҳисобланишади, ҳамда ушбу касалликнинг прогрессивлик хусусиятини юрак-қон томир ва нафас олиш тизимларига таъсир қилиб жиддий асоратларни келтириб чиқариши мумкин, ҳатто 6-8% ҳолларда ОУАСдан ўлим кузатилади...»¹. ЛОР-аъзолари касалликлари бўлган беморларда ронхопатияни ташхислаш ва комплекс даволаш муаммоларини ўрганишнинг долзарблиги шундан иборатки, ЛОР-аъзоларидаги ўзгаришлардан ташқари бронх-ўпка патологияси, юрак-қон томир тизими, маҳаллий ва гуморал иммунитетдаги ўзгаришлар билан узвий боғлиқдир. Шу билан бирга, республиканинг вилоят ва туманларида ронхопатия билан касалланишни аниқлаш, даволаш ҳамда олдини олишда кўрсатилаётган оториноларингологик ёрдам сифатини ошириш билан боғлиқ муаммоларнинг хануз тўлиқ ҳал қилинмаганлиги ҳам замонавий тиббиётнинг устувор вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Жаҳон миқёсида ЛОР касалликлари бўлган беморларда ронхопатияни ташхислаш ва комплекс даволашнинг самарадорлигини ошириш бўйича тадқиқотларни олиб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада ронхопатиянинг ривожланишига олиб келувчи хавф омилларини аниқлаш ҳамда полисомнография, фаол риноманометрия ва юқори нафас йўллари эндоскопияси ёрдамида ЛОР-аъзолари касалликларининг ронхопатия ривожланишидаги ўрнини асослаш муҳим аҳамият касб этади. Бу ўз навбатида ЛОР-аъзолари касалликлари бўлган беморларда ронхопатиянинг консерватив ва жарроҳлик даволаш усуллари самарадорлигини баҳолаш, ронхопатияни ташхислаш ва комплекс даволашнинг мақбул усулларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий этиш, беморлар ҳаёт сифатини яхшилашга йўналтирилган тадбирларни такомиллаштириш, ҳозирги кунда, мазкур муаммога қаратилган илмий-тадқиқотларнинг устувор йўналиши бўлиб қолмоқда.

Республикамизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш бўйича мақсадли амалий тадбирлар амалга оширилмоқда. Касалликларни самарали даволаш, жумладан оториноларингологик касалликларни ташхислаш, даволаш ва олдини олиш бўйича турли изланишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017–2021 йилларга мўлжалланган бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ «...хасталанган беморларга ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш

¹ Mohammadih A., Sutherland K., Cistulli P.A. Sleep disordered breathing: management update. Intern Med J. 2017 Nov;47(11):1241-1247.

қулайлиги ҳамда сифатини ошириш, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, бирламчи тиббий ёрдам муассасалари моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирилган ҳолда соғлиқни сақлаш соҳасини такомиллаштириш...»² вазифалари белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда аҳоли орасида ронхопатияни даволашни самарали усулларини қўллаш ва тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологиялардан фойдаланиб ЛОР-аъзолари касалликларини камайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ–4947-сонли Фармони, 2017 йил 20 июндаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чоратadbирлари тўғрисида»ги ПҚ–3071-сонли Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардаги вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сўнгги йилларда дунё миқёсида ронхопатия учрашининг ошиб бориши кузатилмоқда. Бу касаллик уйқу вақтида юқори нафас йўллариининг обструкцияси, артериал гипертензия, юрак ритмининг бузилиши, миокард инфаркти ва бош миёда қон айланишининг бузилиши, уйқу вақтидаги тўсатдан содир бўлган ўлим ҳамда бошқа кислород етишмаслиги билан боғлиқ ўткир ва сурункали касалликларга олиб келади (Samacho M., 2013; De Benedetto M, Garbarino S., Sanna A., 2017). Баъзи муаллифларнинг фикрича, ронхопатия ва УОАСнинг патогенезида нафас олишининг қийинлашувига олиб келувчи, нафас олаётган ва чиқараётган ҳаво оқимининг ўтишига тўсқинлик қилувчи бурун бўшлиғи ҳамда ҳалқумдаги патологик ҳолатлар ўрин эгаллайди (Howard S.H., 2017). Шунинг учун ронхопатиянинг ташхислаш усулларини ишлаб чиқиш ва оптимал даволаш тактикасини яратиш бутун дунёда долзарб муаммолигича қолмоқда.

Ташхис қўйиш ва жарроҳлик амалларини бажаришда бурун бўшлиғининг меъёрий ва патологик ҳолатларига тўғри баҳо бериш муҳим (Козулина М.А., 2014; Ханданян Г.Л., Петросянц Г.И., Асатрян О.М., Шукурян Л.А., Шукурян А.К., 2016). Шу сабабли бурун бўшлиғи ва ҳалқумнинг функционал ҳолатини текширишнинг объектив усулларини қидириш ҳамда уларнинг натижаларини стандартлаштириш ҳозирда оториноларингологиянинг долзарб муаммоси ҳисобланади. Тиббиётда суғурта тизимининг ривожланиши жарроҳлик амалиёти учун кўрсатмаларни

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ–4947-сонли Фармони.

объектив асослаш ва натижаларини баҳолаш зарурлигини талаб этади (Свистушкин В.М., 2015).

Мавжуд фикрларга кўра, ронхопатияни даволашнинг асосий босқичи ўз ичига риноскопияда кўринадиган бурун бўшлиғи архитектоникасининг ҳар қандай меъёрдан оғишини тўғрилашни олади. Бир қатор муаллифлар бурун ичи структурасини тўғирлаш хуррак отишдан 50% ҳолда қутулиш имконини беришини таъкидлашади (Расулев С.Д., Нормирзаев А.Х., Маткулиев Х.М., 2015). Аммо ҳозирги кунда бурун ва ҳалқум обструкцияси қай даражада хуррак отишнинг интенсивлигига ва апоэ эпизодлари қайталанишига таъсир қилиши, шунингдек, бурун ва ҳалқум обструкция даражасини тўғирлаш унинг кечишга қандай таъсир кўрсатиши етарлича ўрганилмаган (Хасанов У.С., Вохидов У.Н., 2018).

Ронхопатия патогенези, клиникаси, ташхислаш ва даволаш усулларига бағишланган кўплаб тадқиқотларнинг мавжудлигига қарамай, унинг қайталаниш ҳолатлари сақланиб қолмоқда. Бу ронхопатияни ташхислаш, даволаш ва профилактик чора-тадбирларни патогенетик асослаш, самарали, хавфсиз ҳамда иқтисодий фойдали усулларни ишлаб чиқиш борасида чуқурлаштирилган тадқиқотлар ўтказилишини тақозо этади. Шунингдек, долзарб тиббий-ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш учун ташхислаш ва даволаш алгоритминини ишлаб чиқиш заруратини англатади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат стоматология институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Асосий ЛОР касалликларнинг диагностикаси самарадорлигини ошириш, даволаш ва рационал профилактика усулларининг янги йўллари излаш» (2015-2017 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ЛОР-аъзолари касалликлари бўлган беморларда ронхопатиянинг ривожланишида оғирлаштирувчи омилларнинг ўрнини асослаш ва даволаш тартибини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ронхопатиянинг ривожланишига олиб келувчи хавф омилларини аниқлаш;

полисомнография, ринопневмометрия ва юқори нафас йўллари эндоскопияси ёрдамида ЛОР-аъзолари касалликларининг ронхопатияни ривожланишидаги аҳамиятини баҳолаш;

ЛОР-аъзолари касалликлари бўлган беморларда ронхопатиянинг консерватив ва жарроҳлик даволаш усуллари самарадорлигини баҳолаш;

ЛОР-аъзолари касалликлари бўлган беморларда ронхопатияни ташхислаш ва комплекс даволашнинг мақбул усулларини ишлаб чиқиш амалиётга татбиқ қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент тиббиёт академияси 3-клиникаси ЛОР бўлимида даволанган 130 нафар бемор ҳамда назорат гуруҳидаги 20 нафар соғлом киши олинган.

Тадқиқотнинг предмети ЛОР-патологияси бўлган беморлар ва улардан олинган бурун ажралмаси, периферик веноз қондан олинган материаллардан иборат.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотда анкеталаш, клиник, лаборатор, эндоскопик, радиологик ва функционал текшириш, полисомнография, фаол риноманометрия, биокимёвий ҳамда статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ЛОР-аъзолари касалликлари бўлган беморларда ронхопатиянинг ривожланишига бурун тўсиғи қийшиқлиги, сурункали полипоз риносинусит, аденоид вегетацияси, сурункали тонзиллит ва тилча гипертрофияси сабаб бўлиши исботланган;

ЛОР-аъзолари касалликлари бўлган беморларни ронхопатиянинг оғирлик даражасига асосланиб, уларда полисомнография, олдинги фаол риноманометрия ва қондаги кислороднинг парциал босимини ўлчаш текширувларини ўз ичига олган комплекс ташхислаш ўтказишнинг самарали бўлиши аниқланган;

Ронхопатияси бўлган беморларда ўтказилган олдинги фаол риноманометрик текширув ёрдамида тана ҳолатини вертикал ҳолатдан горизонтал ҳолатга ўзгаришида ҳаво оқимининг қаршилиги ошиши исботланган;

ЛОР-аъзолари касалликлари бўлган беморларда ронхопатиянинг даражаси оғирлашиб боришига боғлиқ ҳолда уларнинг ҳаёт сифатини пасайишидаги статистик ишончли кўрсаткичларга асосланган корреляцион натижалари исботланган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ЛОР-аъзолари касалликлари бўлган беморларда обструктив уйқу апноэ синдромини келиб чиқишини олдини олиш учун ронхопатияни эрта аниқлаш мақсадида мутахассис томонидан ҳар бир бемор учун ўтказилган саволнома натижаси амалиётда муҳим эканлиги кўрсатиб берилган;

ЛОР-аъзолари касалликлари жумладан, ронхопатияга мойил беморларни эрта аниқлаш мақсадида анъанавий текширувларга қўшимча равишда полисомнография ва қонда биокимёвий текширув ўтказиш амалий жиҳатдан самарадорлиги кўрсатиб берилган;

Ронхопатияли патологик жараёнда фаол риноманометрик текширув беморнинг бурун орқали нафас олиш ва чиқариш функциясини баҳолашни амалиётдаги аҳамиятини муҳимлигини асосланган;

ЛОР-аъзолари касалликлари айниқса ронхопатия мисолида ташхислаш, даволаш, олдини олиш ва парваришlashга қаратилган алгоритм яратилди ва амалиётга тадбиғининг самараси тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашувлар, усуллар, уларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли миқдорда беморлар танланганлиги, текшириш усулларининг замонавийлиги; клиник-инструментал, эндоскопик, рентгенологик, биокимёвий, полисомнографик, фаол риноманометрик текширишларнинг статистик

натижаларига таяниб, ЛОР-аъзолари касалликлари бўлган беморларда ронхопатияни ташхислаш ва комплекс даволашнинг самарадорлигини баҳолашда ҳар томонлама асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ЛОР-аъзолари касалликлари бўлган беморларнинг ронхопатиянинг даражаларига кўра тақсимланиши, уларда полисомнография, фаол риноманометрия усулларини ўз ичига олган комплекс текширув ўтказилиши, бурун-ҳалқум касалликларини консерватив ва жарроҳлик амаллари ёрдамида даволаш, ушбу патологияда ронхопатияни ташхиси ва давоси самарадорлигига эришиш орқали беморларнинг ҳаёт сифатини оширилганлигида акс этган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти тадқиқот натижасида яратилган ташхислашдаги, қиёслашдаги янгича ёндошувга асосланган даволаш алгоритми беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш имкониятини яратди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. ЛОР касалликлари бўлган беморларда ронхопатияни ташхислаш ва комплекс даволашнинг самарадорлигини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«ЛОР-аъзолари касалликлари бўлган беморларда ронхопатияни ташхислашни мақбуллаштириш» услубий қўлланмаси тасдиқланган (ССВ нинг 07.12.2018 йил 8н-р/340-сонли маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма ЛОР касалликлари бўлган беморларда ронхопатияни ташхислаш ва даволаш тизимини ташкиллаштириш, эрта ташхислаш ҳамда замонавий даволаш усулларни тадбиқ қилиш имконини берган.

«ЛОР-аъзолари касалликлари бўлган беморларда ронхопатияни комплекс даволаш самарадорлигини баҳолаш» услубий қўлланмаси тасдиқланган (ССВ нинг 07.12.2018 йил 8н-р/341-сонли маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма ЛОР-аъзолари касалликлари бўлган беморларда ронхопатияни комплекс даволаш самарадорлигини баҳолаш тизимини яратиш имконини берган.

ЛОР касалликлари бўлган беморларда ронхопатияни ташхислаш ва комплекс даволашнинг самарадорлигини баҳолашга қаратилган илмий-тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент тиббиёт академиясининг 2-, 3-клиникалари, Тошкент шаҳар 7-клиник шифохонаси клиник амалиётига жорий қилинган (ССВ нинг 17.12.2018 йил 8н-д/275-сонли маълумотномаси). Олинган тадқиқот натижаларининг клиник амалиётга жорий қилиниши беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш бўйича ишлаб чиқилган ташхислаш ва даволаш алгоритмлари асосида ронхопатияси бўлган беморларнинг ҳаёт сифатини ижобий яхшиланиши 40% гача эришилган самарасида акс этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 3 та халқаро ва 3 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 11 та илмий иш нашр этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори диссертациялари асосий

илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 112 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари асослаб берилган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти кўрсатилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Ронхопатияни ташхислаш ва даволашга замонавий ёндашув»** деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи берилган. Уларда ронхопатия ҳамда унинг эпидемиологияси, этиологияси, патогенези, ташхислаш, даволаш усуллари тўғрисидаги маълумотлар кўриб чиқилган ва таҳлил қилинган. ЛОР касалликлари бўлган беморларда ронхопатияни ташхислаш ва комплекс даволашни қўллаш, профилактика усуллари афзалликлари ва камчиликлари таҳлил қилинган, шунингдек, мазкур муаммонинг ечими ҳамда унинг аспекти белгиланган.

Диссертациянинг **«Ронхопатияни ташхислаш ва комплекс даволашнинг материал ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида Тошкент тиббиёт академияси 3-клиникаси ЛОР бўлимида 2015–2017 йилларда ётиб даволанган 130 нафар беморда ўтказилган тадқиқот натижалари баён қилинган.

Қўйилган вазифаларни бажариш учун Тошкент тиббиёт академияси 3-клиникаси ЛОР бўлимида 2015–2017 йилларда ётиб даволанган ронхопатия касаллиги мавжуд 130 нафар беморда тадқиқот ўтказилди. Назорат гуруҳини 20 нафар амалий соғлом кўнгиллилар ташкил қилди. Беморлар орасида эркаклар 90 нафарни (72,85%), аёллар 50 нафарни (27,14%) ташкил қилди. Беморларнинг ёши 18 ёшдан 70 ёшгача бўлиб, ўртача ёш $44,5 \pm 6,8$ ҳисобланди.

Тадқиқот ўтказилган беморларнинг аксарият қисми меҳнатга лаёқатли ёшда, яъни 30–49 ёшли бўлиб, кўп қисмини эркаклар ташкил қилди. Кўрсатилган маълумотлардан кўриниб турибдики, ронхопатия ва ОУАС билан оғриган беморлар орасида эркаклар, ёш бўйича эса ўрта ва катта ёшдаги беморлар устунлик қилади.

Текширилаётган беморларнинг 64 нафари Тошкент шаҳрида, 16 нафари Тошкент вилоятида, 2 нафари Қозоғистон Республикасида, 48 нафари Республика вилоятларида истиқомат қилган.

Беморларни танлаш клиник ва лаборатория текшируви асосида амалга оширилди. Ронхопатия ташхиси 2 та патогномик аломатлар, яъни патологик хуррак ва тунги гипоксемия асосида ишлаб чиқилди. Бунда ҳафтанинг 5 куни давомида бемор хуррак отадиган бўлса, патологик хуррак деб баҳоланди. Клиник текширувлар, жумладан, ЛОР кўриги, ЛОР органлари эндоскопияси, рентгенологик текширувлар, полисомнография, биокимёвий текширувлар асосида ронхопатиянинг ташхислаш алгоритми ишлаб чиқилди.

Тунги уйку вақтидаги нафас олиш хусусиятига ва полисомнография натижаларига асосланган ҳолда беморлар 2-гурухга бўлинди:

биринчи гуруҳ ронхопатиянинг енгил даражаси билан оғриган 80 нафар бемор ўз ичига олиб, уларда патологик хурракнинг бошланиш белгилари намоён бўлиши, хуррак отишнинг чалқанча ётганда пайдо бўлиши, тана ҳолатини ўзгартирганда эса йўқолиши, ҳаёт сифати ўзгаришсиз эканлиги кузатилди.

иккинчи гуруҳ ронхопатиянинг ўрта оғир даражаси билан оғриган 50 нафар беморни ўз ичига олиб, доимий патологик хуррак отиш билан характерланиб, ҳар қандай ҳолатда ётганда ҳам хуррак отишнинг пайдо бўлиши, апноэнинг пайдо бўлганлиги, уйку вақтида нафас олишнинг бузилганлиги, ҳаёт сифати ўзгариши билан намоён бўлади. Беморларда уйқусизлик, уйқунинг бузилиши, эрталабки ҳорғинлик, бош оғриши, кундузги уйқучанлик кузатилди. Назорат гуруҳи 20 нафар амалий соғлом кўнгиллилардан иборат бўлиб, анамнезида ва қариндошларнинг маълумотларига кўра хуррак отиш йўқлиги сабабли ушбу гуруҳга киритилди.

Тана вазни бўйича беморлар тақсимланганда I гуруҳ беморларининг 48 нафарида (60%) тана вазнининг меъёрдалиги (ТВИ 20–24,9), 21 нафарида (26,2%) семизликнинг I даражаси (ТВИ 25-29,9), 11 нафарида (13,8%) семизликнинг II даражаси (ТВИ 30–40), II гуруҳ беморларининг 11 нафарида (22%) тана вазнининг меъёрдалиги (ТВИ 20-24,9), 18 нафарида (36%) семизликнинг I даражаси (ТВИ 25-29,9), 17 нафарида (34%) семизликнинг II даражаси (ТВИ 30-40), 4 нафарида (8%) семизликнинг III даражаси (ТВИ >40) аниқланди.

Ронхопатияси бўлган барча беморларда ҳар томонлама текшириш ўтказилди. Уларда тўлиқ клиник текшириш, сўровнома, ЛОР-аъзоларини текшириш ҳамда махсус текшириш усуллари, яъни полисомнография, фаол риноманометрия, бурун ёндош бўшлиқлари томографияси, бурун ва ҳалқум эндоскопияси, биокимёвий текширишлар ўтказилди.

Умумий клиник текширувлар бемор ва унинг яқинларида сўровнома (анкеталаш) ўтказишдан бошланди. Шунинг учун ЛОР-аъзолари касалликлари бўлган беморларнинг ҳаёт сифатини субъектив баҳолаш мақсадида (SF-36) сўровнома ўтказилди. Сўровнома натижаларига кўра, I- гуруҳ беморларида PF (физик фаоллик) – $94,67 \pm 6,4$; RP (ҳаёт фаолиятини чегаралашда физик муаммоларнинг ўрни) – $98,56 \pm 18,4$; VP (физик оғрик) – $92,4 \pm 10,5$; GH (соғлиқни умумий қабул қилиш) – $82,93 \pm 15,1$; VT (ҳаёт фаолияти) – $96,31 \pm 11,9$; SF (ижтимоий фаоллик) – $97,89 \pm 12,4$; RE (ҳаёт фаолиятини чегаралашда ҳиссиётли муаммоларнинг ўрни) – $98,92 \pm 16,1$;

MH (психик соғлик) – $97,69 \pm 11,5$; 2-гурух беморларида PF – $86,35 \pm 6,8$; RP – $92,20 \pm 22,0$; BP – $85,81 \pm 12,1$; GH – $74,15 \pm 10,4$; VT – $82,76 \pm 10,4$; SF – $93,07 \pm 12,9$; RE – $91,95 \pm 20,8$; MH – $88,46 \pm 12,1$.

Хуррак отишнинг куйидаги характеристикалари ҳисобга олинди: хуррак отишнинг баландлиги; хуррак отишда овознинг монотонлиги; хуррак отишнинг бемор танасининг ҳолатига боғлиқлиги; спиртли ичимликларни истеъмол қилишнинг интенсивлиги. Патологик хуррак отиш ва ОУАС билан оғриган беморларда тунги шикоятлардан ташқари кундузги шикоятлар, яъни эрталаб бош оғриғи, тез ақлий ва жисмоний чарчаш, кундузги уйқучанлик, одатда жинсий истакнинг пасайиши каби шикоятлар кузатилди.

ЛОР-аъзоларини текширишда олд ва орқа риноскопия, фарингоскопия, отоскопияси ўтказилди.

Эндоскопик текширувларда Karl Storz (Германия) фирмасининг кўндаланг ён томонидан диаметри 4,0 мм ҳамда 0 ва 70 даражали ёнлама оптикали қаттиқ эндоскопидан фойдаланилган. Бурун бўшлиғининг эндоскопик текширувини беморнинг ўтирган ҳолатида хирургик коррекциягача бурун шиллиқ қаватини анемизация қилишдан олдин ва кейин ҳамда беморнинг барча кейинги ташрифларида ўтказилган (14, 28-кун, 3 ой, 6 ойдан кейин, 1 йил, сўнгра эса ҳар йили). Бурун бўшлиғининг барча бўлимлари бурун даҳлизидан бошлаб кетма-кетликда кўздан кечирилди. Ўрта бурун йўли ва бурунхалқум ҳолатига алоҳида эътибор қаратилди. Ўрта бурун кўздан кечирилди. Кўрув эндоскопнинг тескари ҳаракати билан унинг орқа томонидан бошланди. Ўрта бурун йўлининг олд бўлимларида жойлашган остиомеатал комплекснинг ҳолати, унинг таркибий қисмлари ҳисобланган бурун ўрта супраси чиғаноғининг олд томони, илгаксимон ўсик, бурун дўнглиги хужайралари, яримой тирқиш, пешонадаги чуқур ўйик, ғоваксимон булла ва латерал синус кўздан кечирилди. Сўнги босқичда юқори бурун йўли кўздан кечирилди. Бу ерда ғоваксимон суяк орқа бўшлиқларининг тешиклари, сфеноэтмоидал ўйик ва бурун тўсиғи ҳамда юқори бурун чаноғи орасидаги хоана устида жойлашган понасимон бўшлиқнинг қуйилиш жойи кўздан кечирилди. Тўлиқ эндоскопик текширув ёрдамида бурун ичи ва бурун атрофи бўшлиқларининг ўткир қайталанувчи касалликлари ҳамда бурун бўшлиғи яллиғланиш жараёнининг ривожланишини оғирлаштирувчи омилларнинг юзага келиш сабабини аниқлаш мумкин. Шунга мос равишда касалликнинг даво усулини танлаш энгиллашади.

Компьютерли томография икки спиралли «Мультислайс» HighspeedNX/13a компьютер томографида бажарилди. Томография қадами 5 мм, ажратиб кўрсатилган қават қалинлиги 5 мм ни ташкил қилди. Текширув аксиал ва коронар проекцияларда қайталаниш кузатилмаган даврда олиб борилди.

Полисомнография текшируви ёрдамида электроэнцефалография (ЭЭГ), электроофтальмография (ЭОГ), электромиография (ЭМГ), электрокардиография (ЭКГ), оғиз-бурун ҳаво оқимларининг ўтказувчанлиги, қондаги кислород, кўкрак ва қорин ҳаракати, уйқу пайтида беморнинг тана

ҳолатига таърифи, хуррак отишнинг баландлиги, юрак уриши рўйхатга олиниб, барча жараён инфрақизил нурланишда ишлайдиган видеокамерада сақланади. Полисомнография уйку тузилишини баҳолаш, касалликнинг оғирлик даражасини аниқлаш, даволаш самарадорлигини назорат қилиш тўғрисидаги маълумотларни беради. Тадқиқот видеомониторлар томонидан тасдиқланган кундузги уйку (2–3 соат давомийлиги) давомида ўтказилди. Қуйидаги параметрлар қайд этилди: оғиз-бурун ҳаво оқимлари, кўкрак ва қорин деворининг нафас олиш ҳаракати, хуррак отишнинг давомийлиги ва баландлиги, кислород сатурацияси (тўйинганлик) даражаси, юрак қисқаришлар сони, уйку пайтида тананинг ҳолати. Ушбу текширув усулининг афзаллиги шундаки, шифохонада ҳам, уйда ҳам беморлар учун одатий шароитларда тадқиқот ўтказиш имкониятини беради. Ушбу маълумотлар апноэнинг турини фарқлаш ва унинг даражасини аниқлаш имконини беради. Беморларда ухлаш вақтида нафас олишда сезиларли ўзгаришлар бўлганда ва ОУАСнинг мавжудлигидан шубҳаланишларда тўлиқ полисомнографик текширув ўтказилди. Полисомнография текшируви ёрдамида апноэ / гипопноэ индекси (АГИ) аниқланди.

Диссертациянинг «**ЛОР-касалликлари бўлган беморларни клиник-функционал, лаборатор, инструментал текшириш натижалари**» деб номланган учинчи бобида ЛОР-аъзолари касалликларининг хуррак отишга таъсирини ўрганиш мақсадида 130 нафар беморда комплекс равишда клиник-функционал, лаборатор ва инструментал текшириш усуллари таҳлил қилинган.

Бурун бўшлиғидаги яллиғланиш жараёнида бурун шиллиқ қаватининг транспорт функцияси пасайиши ва шунинг натижасида яллиғланиш жараёнининг ривожланишига шароит яратишига ҳамда бурун нафас олиш функцияси бузилишига олиб келади. Шу сабабли ронхопатиянинг асосий мезонлари сифатида мукоцилиар клиренсни текшириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

1-гуруҳнинг 18 нафар беморида назорат гуруҳидаги сингари мукоцилиар транспортнинг меъёрий кўрсаткичлари қайд қилинди, яъни $12,8 \pm 0,2$ ва $11,5 \pm 0,2$ дақиқани ташкил қилди. 1-гуруҳнинг 62 нафар беморида мукоцилиар транспорт $19,7 \pm 0,7$ дақиқани ташкил қилиб, мукоцилиар етишмовчиликнинг 1-даражасига ва 42 нафар беморларида мукоцилиар транспорт $33,4 \pm 1,2$ дақиқани ташкил этиб, мукоцилиар етишмовчиликнинг 2-3 даражасига тўғри келди.

Мукоцилиар транспортни текшириш натижалари ва бурун бўшлиғи касалликларининг хуррак отишга таъсирини таққослаш учун барча беморларда текширув вертикал ва горизонтал ҳолатда ўтказилди. Ронхопатия бўлган беморларда мукоцилиар транспорт бузилишнинг яққоллиги ва буруннинг “доимий” битиши таққосланганда хуррак отишнинг интенсивлиги ва мукоцилиар транспортнинг 2–3 даражада сустлашиши билан корреляцион алоқадорлик аниқланди. Юқори интенсивликдаги хуррак отиши бўлган беморларда вертикал ҳолатда мукоцилиар транспортнинг 2-даражадаги сустлашиши кузатилиб, горизонтал ҳолатда мукоцилиар транспортнинг 3-даражадаги сустлашиши, яъни 35 дақиқа ва ундан юқорини ташкил этди.

2-гурух беморларининг 39 нафариди хилпилловчи эпителиининг транспорт функцияси 2- ва 3-даражада сустлашиши, 1-гурух беморларнинг кўпчилигида 1-даражада сустлашиши устунлик қилди.

Бурун бўшлиғи ажратиш функцияси бурун тўсиғи қийшайиши ва бир тарафлама гипертрофия кузатилган 2-гурух беморларида 2-даражада, вазомотор ринит бўлган беморларда 1-даражада ошганлиги кузатилди. Буруннинг пастки чиғаноклари гипертрофияси томонидаги бурун шиллиқ қавати секрецияси 1-даража, тескари томонда эса 3-даража тарзида баҳоланди, яъни шу томонда субатрофик жараён ривожланиши сабабли деярли кузатилмади.


Назорат гуруҳи ва 1-гурух беморларига нисбатан 2-гурух беморларида бурун бўшлиғи шиллиқ қавати ажратиш функцияси нисбатан юқори бўлганлиги аниқланди.

Буруннинг ўтказувчанлиги бузилишини аниқлаш учун олдинги фаол риноманометрия қўлланилиб, унинг натижалари сифат ва миқдор тарзида рўйхатга олинди. 2-гурух беморларида 1-гурух беморларига нисбатан бурун ўтказувчанлиги бузилишининг яққол намоён бўлганлиги кузатилди. Олдинги фаол риноманометрияда 2-гурух беморларининг тана ҳолатини вертикал ҳолатдан горизонтал ҳолатга ўзгаришида ҳаво оқимининг қаршилиги ошганлиги аниқланди.

Ўтказилган текшириш натижалари шуни кўрсатдики, бурун бўшлиғи орқали нафас олишнинг бузилиши билан кечувчи бурун бўшлиғи касалликларида бурун шиллиқ қаватининг транспорт функцияси ҳам пасаяди.



1-расм. Бемор Г., 38 ёш. Эндоскопик текширувда бурун тўсиғи қийшиқлиги аниқланди.



2-расм. Бемор Н., 56 ёш. Эндоскопик текширувда бурун бўшлиғи полипи аниқланди.

Бурун ва ҳалқум ҳолатини баҳолаш мақсадида эндоскоп ёрдамида тўлик текширувдан ўтказилди (1,2-расм). Назорат гуруҳида ўтказилган бурун бўшлиғи эндоскопик текширув натижаларига кўра бурун бўшлиғи шиллиқ қаватининг пушти рангда ва намлиги аниқланди. Бурун орқали нафас олиш

эркин, бурун тўсиғи ўрта чизикда жойлашган. 1-гурух беморларининг 34 нафарида бурун тўсиғи қийшайиши, 26 нафарида бурун бўшлиғи полиплари, 18 нафарида пастки чиғаноклар гипертрофияси, 2 нафарида аденоид вегетацияси, 4 нафарида сурункали тонзиллит, 8 нафарида тилча гипертрофияси; 2-гурух беморларининг 21 нафарида бурун тўсиғи қийшайиши, 12 нафарида бурун бўшлиғи полиплари, 12 нафарида пастки чиғаноклар гипертрофияси, 4 нафарида аденоид вегетацияси, 3 нафарида сурункали тонзиллит, 10 нафарида тилча гипертрофияси кузатилди.

Беморларнинг текширув натижалари риноскопияда аниқланган бурун бўшлиғи ҳамда унинг шиллик қавати архитектураси ва структурасидаги ўзгаришларни тасдиқлади.


Бурун ва бурун ёндош бўшлиқларидаги ўзгаришларга аниқлик киритиш мақсадида 1- ва 2-гурух беморларининг барчасида бурун ёндош бўшлиқларининг (БЁБ) рентгенографияси ва компьютер томографияси ўтказилди. БЁБ компьютер томографияси аксиал ва коронар проекцияларда юқори жағ бўшлиғи кистаси гумон қилинган 7 нафар беморда ўтказилди. 2-гурух беморларининг рентгенологик кўрсаткичларида бурун ёндош бўшлиқлари шиллик қаватининг яллиғланиш белгилари 1-гурух беморларига қараганда (48,9% ва 20% мос равишда, $p < 0,05$) яққолроқ кузатилди.

Бурун ёндош бўшлиқлари рентгенографиясида бурун ёндош бўшлиқлари шиллик қавати қалинлашининг у ёки бу даражаси, юқори жағ бўшлиқлари ва ғалвирсимон лабиринт катакчалари полипоз зарарланиши 2-гурухнинг 19 нафар беморида (38%) ва 1-гурухнинг 9 нафар беморида (11,25%) аниқланди.

Беморларнинг ҳаёт сифатини баҳолаш мақсадида иккала гуруҳ беморларда консерватив ва жарроҳлик амалидан сўнг қайта сўровнома (SF-36) ўтказилди. Ушбу сўровнома беморларнинг ҳаёт сифатида ўзгаришларни қайд қилди. Бунда 1-гурух беморларда 2-гурух беморларига нисбатан физик фаоллик, ҳаёт фаолиятини чегаралашда физик муаммоларнинг ўрни, физик оғриқ, соғлиқни умумий қабул қилиш, ҳаёт фаолияти, ижтимоий фаоллик, ҳаёт фаолиятини чегаралашда ҳиссиётли муаммоларнинг ўрни, психик соғлиқ ҳолати ўрганилди. Ўтказилган сўровнома шуни кўрсатдики, 1-гурух беморларида юқоридаги кўрсаткичлар назорат гуруҳи кўрсаткичларига яқинлашганлиги ҳамда ҳаёт сифатининг яхшиланганини кўрсатди (PF – $97,6 \pm 7,2$; RP – $98,6 \pm 18,4$; BP – $92,4 \pm 10,5$; GH – $88,5 \pm 14,5$; VT – $98,4 \pm 12,6$; SF – $98,9 \pm 13,6$; RE – $99,1 \pm 16,8$; MH – $98,2 \pm 12,5$). 2-гурух беморларида ҳаёт сифатида ўзгаришлар бироз яхшиланди (PF – $94,1 \pm 6,7$; RP – $89,4 \pm 26,0$; BP – $90,7 \pm 14,3$; GH – $86,7 \pm 14,6$; VT – $94,3 \pm 15,7$; SF – $95,2 \pm 14,8$; RE – $95,5 \pm 24,3$; MH – $95,6 \pm 13,4$). Узоқ муддатли кузатув натижалари шуни кўрсатдики, ЛОР-аъзолари касалликлари билан оғриган беморларда ронхопатиянинг оғирлик даражасига қараб даволаш тактикасини қўллаш даволаш самарадорлигини оширди, хуррак отишни камайтирди ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилади. Ўрганилган сўровномалар асосида 118 нафар беморда (90,8%) эрталаб ҳолсизлик, кундузги уйқучанлик, чарчок, уйқунинг самарасизлиги, бош оғриғини ҳис

килиш аниқланди. Беморларнинг юкорида келтирилган шикоятлари қанчалик узоқ вақт давомида безовта қилса, шунчалик хуррак отишнинг интенсивлиги ошиб борган. Ушбу сўровноманинг мақсади ронхопатия ва УОАС билан оғриган беморларнинг ҳаёт сифати кўрсаткичларини аниқлаш эди. Сўровнома натижалари барча текширилаётган гуруҳларга татбиқ этилди.

Хуррак отиш интенсивлиги, уларнинг вариантлари ҳамда асоратлари 1- ва 2-гуруҳдаги барча беморлар учун ўтказилган полисомнография ёрдамида баҳоланди (3-расм).



3-расм. Бемор Г., 38 ёш. Полисомнография текширувида ронхопатиянинг энгил даражаси аниқланди.

Хуррак отишнинг интенсивлиги 17 нафар (21,2%) беморда 20 дан 40 дБ гача, 29 нафар (36,3%) беморда 41 дан 60 дБ гача, 34 нафар (42,5%) беморда 61 дан 80 дБ гача бўлганлиги аниқланди.

Текширув натижалари шуни кўрсатдики, обструктив апноэ/гипопноэ синдромининг оғирлик даражаларини таснифлаш учун апноэ/гипопноэ индексининг (ИАГ) градацияси қуйидагича қўлланилди: 1 соатда 5 дан 20 гача - енгил даража, 20 дан 40 гача - ўрта, 40 ва ундан кўп оғир даража ҳисобланди. 56,3% ҳолатда (45 нафар беморда) апноэнинг енгил даражаси, 35% ҳолатда (28 нафар беморда) апноэнинг ўрта оғирлик даражаси, 7 нафар беморда (8,7%) апноэсиз хуррак отиш аниқланди.

Ронхопатия билан оғриган беморларнинг артериал қонда pO_2 , pCO_2 каби динамикадаги кўрсаткичлари аниқланди. Бунда ўпка касалликлари, модда алмашинувининг бузилиш касалликлари истисно тариқасида ушбу патологик жараёнлар ўпка вентиляцияси атроф-муҳитнинг одатдаги газ таркиби шароитида амалга оширилган.

Назорат гуруҳидаги беморларда артериал қондаги кислород - pO_2 парциал босими 83-108 мм с.у. ни ташкил қилди. Нормадаги pO_2 кўрсаткичи ўпкадан етарли даража кислород етказилишини, pO_2 нинг нормадан паст кўрсаткичи ўпкага кислород етишмаслигини кўрсатади.

Ронхопатия билан оғриган беморларда pO_2 даражасини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, текширилган беморларнинг ҳеч бирида кундузги ва кечки вақтларда pO_2 меъёрий кўрсаткичлари аниқланмади ёки pO_2 натижаларининг ўртача кўрсаткичларига таъсир қиладиган юқори ёки энг паст кўрсаткичлари қайд қилинмади.

II гуруҳдаги беморларга pO_2 нинг пасайиши I-гуруҳга қараганда сезиларли даражада ошди ва назорат гуруҳига нисбатан таққосланди (2-гуруҳ беморларида кундузи $67,52 \pm 2,94$ ва кечкурун $64,66 \pm 2,33$ дан иборат бўлди).

Диссертациянинг «**ЛОР-касалликлари бўлган беморларни комплекс даволаш усуллари**» деб номланган тўртинчи бобида ЛОР-аъзолари касалликлари бўлган беморларда ронхопатияни комплекс даволашда жарроҳлик амалиёти ва медикаментоз даволаш, жарроҳлик амалиётидан кейинги даврдаги парвариш қилиш натижалари таҳлил қилинган.

Тошкент тиббиёт академияси 3 клиникаси ЛОР бўлимида ётиб даволанган 130 нафар беморда ронхопатиянинг даражасига қараб даволаш усуллари қўлланилди. Ронхопатиянинг даражасига қараб беморларнинг иккала гуруҳига анъанавий даволаш ва жарроҳлик усуллари ҳамда даволашдан сўнг маҳаллий кортикостероидлар қўлланилди. Берилган маълумотлардан кўришиб турибдики, ронхопатияси бўлган беморларнинг 86%и юқори нафас йўллариининг патологиясига эга бўлган.

ЛОР касалликларининг мавжудлиги, ронхопатиянинг оғирлик даражасига кўра қуйидаги даволаш усуллари қўлланилган:

1-гурух (n=80) беморларининг 21 нафарида бурун тўсиғи шиллик ости резекцияси, 5 нафарида бурун полипотомияси, 16 нафарида вазотомия, 2 нафарида аденотомия, 5 нафарида тонзиллэктомия амаллари бажарилди.

2-гурух (n=50) беморларининг 41 нафарида бурун тўсиғи шиллик ости резекцияси, 8 нафарида бурун полипотомияси, 24 нафарида вазотомия, 10 нафарида аденотомия, 16 нафарида тонзиллэктомия амаллари бажарилди.

Иккала гуруҳ беморларида бурун ва бурун ёндош бўшлиқларида ўтказилган жарроҳлик амалиётидан сўнг бурунга маҳаллий равишда интраназал кортикостероид – Флутиказон пропионат 100 мкг 1-2 сепишдан 2 маҳал тавсия этилди.

Хуррак отиш индекслариға нисбатан сезиларли яхшиланиш кузатилди ва уйку апноэсининг ижобий динамикаси кузатилди.

Беморларда ўтказилган даволашнинг самарадорлигини баҳолаш мақсадида уларнинг шикоятларининг динамикада ўзгариши назорат қилинди. 1-гурух беморларида шикоятлар ўтказилган жарроҳлик амалидан сўнг йўқолди, 2-гурух беморларида эса сақланиб қолди.

Даволашдан сўнг иккала гуруҳда буруннинг ўтказувчанлик функциясини аниқлаш учун риноманометрия ўтказилди. 1-гурух беморларда 2-гурух беморлариға нисбатан бурун ўтказувчанлигининг яхшиланганлиги кузатилди. Ушбу ҳолат бурун ва бурун ёндош бўшлиқларида ўтказилган жарроҳлик амалининг самарадорлигини кўрсатди.

Иккала гуруҳ беморларда ўтказилган даволашдан сўнг хуррак отишнинг интенсивлиги таҳлил қилинганда, 1-гурух беморларида хуррак отишнинг интенсивлиги 20–40 дБ ва ундан камайганлиги қайд қилинди. 2-гурух беморларининг 5 нафарида эса хуррак отиш интенсивлиги сақланди, қолганларида 20 дБга камайди.

Иккала гуруҳ беморларида даволашдан сўнг қонда pO_2 ва pCO_2 миқдорини қайта аниқлаш мақсадида биокимёвий текшириш ўтказилди. Ушбу текшириш натижалариға кўра, 1-гурух беморларининг кундаги ва тундаги кислород билан тўйиниш даражаси ошганлиги, карбонат ангидрид билан тўйиниш даражаси камайганлиги кузатилди. 2-гурух беморларида эса қоннинг кислород билан тўйиниш даражаси бироз ошганлиги, 3 нафар беморда ҳаттоки сақланганлиги кузатилди.

ЛОР-аъзолари касалликлари бўлган беморларда ронхопатияни даволаш учун ўтказилган жарроҳлик ва консерватив даво усулларини комплекс равишда қўллаш даволаш самарадорлигини 45% га оширди ҳамда хуррак отишни камайтирди.


Иккала гуруҳ беморларида ўтказилган консерватив ва жарроҳлик амалидан сўнг қайта сўровнома (SF-36) ўтказилди. Ушбу сўровнома беморларнинг ҳаёт сифатида ўзгаришларни қайд қилди. Бунда 1-гурух беморларда 2-гурух беморларға нисбатан физик фаоллик, ҳаёт фаолиятини чегаралашда физик муаммоларнинг ўрни, физик оғриқ, соғлиқни умумий қабул қилиш, ҳаёт фаолияти, ижтимоий фаоллик, ҳаёт фаолиятини чегаралашда ҳиссиётли муаммоларнинг ўрни, психик соғлиқ ҳолати ўрганилди. Ўтказилган сўровнома шуни кўрсатдики, 1-гурух беморларида

юқоридаги кўрсаткичлар назорат гуруҳи кўрсаткичларига яқинлашганлиги, ҳамда ҳаёт сифатининг яхшиланганини кўрсатди (PF – $97,6 \pm 7,2$; RP – $98,6 \pm 18,4$; BP – $92,4 \pm 10,5$; GH – $88,5 \pm 14,5$; VT – $98,4 \pm 12,6$; SF – $98,9 \pm 13,6$; RE – $99,1 \pm 16,8$; MH – $98,2 \pm 12,5$). 2-гуруҳ беморларида ҳаёт сифатида ўзгаришлар бироз яхшиланди (PF – $94,1 \pm 6,7$; RP – $93,4 \pm 12,0$; BP – $90,7 \pm 14,3$; GH – $86,7 \pm 14,6$; VT – $94,3 \pm 15,7$; SF – $95,2 \pm 14,8$; RE – $95,5 \pm 24,3$; MH – $95,6 \pm 13,4$). Узоқ муддатли кузатув натижалари шуни кўрсатдики, ЛОР-аъзолари касалликлари билан оғриган беморларда ронхопатиянинг оғирлик даражасига қараб даволаш тактикасини қўллаш даволаш самарадорлигини оширди, хуррак отишни камайтирди ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилади.


ЛОР-аъзолари касалликлари билан оғриган беморларда ронхопатиянинг оғирлик даражаларини аниқлаш, шундай касаллик ташхиси қўйилган беморларнинг шифохонага ётқизилгунга қадар ва шифохонада ётиб даволаниш босқичларида улар устидан оптимал кузатув олиб бориш мақсадида даволаш алгоритми ишлаб чиқилди.

Шундай қилиб, ЛОР-аъзолари касалликлари бўлган беморларнинг ронхопатиянинг даражаларига кўра тақсимланиши, уларда полисомнография, актив риноманометрия усуллари жамлаган комплекс текширув ўтказилиши, бурун ва ҳалқум касалликларини консерватив ва жарроҳлик амаллари ёрдамида даволаш ушбу патологияли беморларда ронхопатияни даволаш самарадорлигини оширади, обструктив апноэ синдромининг олдини олади, беморларнинг ҳаёт сифатини оширади.

РОНХОПАТИЯНИ ТАШХИСЛАШ АЛГОРИТМИ



РОНХОПАТИЯНИ ДАВОЛАШ АЛГОРИТМИ



ХУЛОСА

«ЛОР-касалликлари бўлган беморларда ронхопатияни ташхислаш ва комплекс даволашнинг самарадорлигини ошириш» мавзусидаги фалсафа доктори диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Ронхопатияси бўлган беморларда 31% ҳолда бурун тўсиғи қийшайиши, 17,3% – вазомотор ринит, 23,3% – полипоз риносинусит, 16,4% – сурункали тонзиллит, 12% – аденоид вегетацияси аниқланди.

2. ЛОР-касалликлари ва ронхопатиянинг энгил шакли бўлган беморларда хуррак отиш интенсивлиги полисомнографияда 46,4 дБ, ЛОР-касалликлари ва ронхопатиянинг ўрта оғир шакли бўлган беморларда полисомнографияда 56,5 дБ аниқланди.

3. ЛОР-касалликлари бўлган беморларда ронхопатияни комплекс даволашда жарроҳлик амалиётини қўллаш ва ундан сўнг индивидуал равишда консерватив усулни қўллаш даволаш самарадорлигини 45%га оширди.

4. ЛОР-касалликлари бўлган беморларда ронхопатияни ташхислаш ва комплекс даволаш алгоритмини қўллаш уйкуда хуррак отишнинг камайишига, қонда гиперкапния, ацидоз ва гипоксемиянинг йўқолишига, уйқунинг меъёрлашишига, меҳнатга лаёқат ва ҳаракатчанликнинг ҳамда ҳаёт сифатининг ошишига олиб келди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.28.12.2017.Tib.59.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
СТОМАТОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ СТОМАТОЛОГИЧЕСКИЙ
ИНСТИТУТ**

ШАРИПОВ САНЖАР САЛОМОВИЧ

**ПОВЫШЕНИЕ ЭФФЕКТИВНОСТИ ДИАГНОСТИКИ И
КОМПЛЕКСНОГО ЛЕЧЕНИЯ РОНХОПАТИИ У БОЛЬНЫХ
С ЛОР-ПАТОЛОГИЕЙ**

14.00.04 – Оториноларингология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2018.2.PhD/Tib620.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном стоматологическом институте.
Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tsdi.uz.) и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: **Хасанов Улугбек Саидакрамович,**
доктор медицинских наук, доцент

Официальные оппоненты: **Мухаммадиева Гульмира Амантаевна,**
доктор медицинских наук, профессор
Карабаев Хуррам Эсанкулович,
доктор медицинских наук, профессор

Ведущая организация: **Университет Мармара «Оториноларингология, хирургия головы и шеи» (Турция, Истанбул)**

Защита диссертации состоится «__» _____ 2019 г. в ____ часов на заседании Научного Совета DSc.28.12.2017.Tib.59.01 при Ташкентском государственном стоматологическом институте (Адрес: 100016, г. Ташкент, Яшнабадский район, улица Махтумкули, дом 103. Тел./факс: (+99871) 230-20-73, e-mail: info@tsdi.uz).

С докторской диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного стоматологического института (зарегистрирована за №____). Адрес: 100016, г. Ташкент, Яшнабадский район, улица Махтумкули, дом 103. Тел./факс: (+99871) 230-20-73.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2019 года.
(реестр протокола рассылки №__ от _____ 2019 года).

Ж.А.Ризаев
Председатель Научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

Л.Э.Хасанова
Ученый секретарь Научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук

А.А.Абдукаюмов
Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации (PhD) доктора философии)

Актуальность и востребованность темы диссертации. По сведениям Всемирной организации здравоохранения (ВОЗ) у 30% населения в мире наблюдается храп (ронхопатия), а у 25–30% людей храп является признаком синдрома обструктивного апноэ сна (СОАС). «...В результате 95% больных, страдающих СОАС, ощущают себя утомленными, храп для них является объективным признаком. Люди, страдающие от данного утомления, считаются группой лиц подверженных опасности развития у них СОАС. Данный недуг, обладая свойством прогрессировать и оказывая воздействие на сердечно-сосудистую и дыхательную системы, может вызвать серьезные осложнения. Сведения полученные из литературных источников свидетельствуют, что степень смертности от СОАС составляет 6–8%»¹. Актуальность изучения вопросов повышения эффективности диагностики и комплексного лечения ронхопатии у пациентов страдающих заболеваниями ЛОР-органов обусловлена тем, что помимо ЛОР-органов они неразрывно связаны с бронхолегочной патологией, сердечно-сосудистой системой, местными и гормональными изменениями иммунитета. Наряду с этим, нерешенные до сих пор проблемы по выявлению в областях и районах республики уровня заболеваемости ронхопатией, ее лечения и профилактики, повышения качества предоставляемой оториноларингологической помощи является одной из первостепенных задач современной медицины.

Во всем мире в целях повышения эффективности диагностики и комплексного лечения ронхопатии у пациентов страдающими ЛОР заболеваниями проводится целый ряд научных исследований. В частности, по выявлению факторов способствующих риску развития ронхопатии, а также обоснование роли заболеваний ЛОР-органов в развитии ронхопатии при помощи эндоскопии верхних дыхательных путей, полисомнографии, активной передней риноманометрии имеет особое значение. В свою очередь оценка эффективности консервативного и хирургического методов лечения ронхопатии у пациентов с заболеваниями ЛОР-органов, выбор приемлемых методов диагностики и комплексного лечения ронхопатии и внедрение их в практику, совершенствование мероприятий, направленных на улучшение качества жизни пациентов остаётся приоритетным направлением научных исследований по данной проблеме.

В Республике осуществляется целевые практические мероприятия по реформированию системы здравоохранения. Проводились различные исследования по эффективном лечении заболеваний, в том числе диагностика, лечение и профилактика оториноларингологических заболеваний. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017–2021 годы по пяти приоритетным направлениям определено «...совершенствование сферы здравоохранения, направленное на

¹ Mohammadiiev F., Sutherland K., Cistulli P.A. Sleep disordered breathing management update Intern. Mtd J.2017 Nov, 47 (11): 1241–1247.

повышение доступности и качества медицинского и социально-медицинского обслуживания населения, формирование здорового образа жизни среди населения, укрепление материально-технической базы медицинских учреждений...».² При выполнении данных задач важное значение для сокращения заболеваний ЛОР-органов имеет достижение новых высот в лечении ринхопатии среди населения и совершенствование использования специализированных современных технологий при оказании медицинской помощи.

Настоящее диссертационное исследование в определенной степени соответствует задачам, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017–2021 годы» от 7 февраля 2017 года, в Постановлении Президента Республики Узбекистана № ПП-3071 «О мерах по дальнейшему развитию специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан на 2017–2021 годы» от 20 июня 2017 года, а также в других нормативно-правовых документах, имеющих отношение к данной области деятельности.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики Узбекистан: VI. «Медицина и фармакология».

